



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

СТАТИСТИКА ВА МИНТАҚАЛАРДА
КУТУБХОНАСИ
ТАДЖИКОТЛАР ИНСТИТУТИ

2008 ЙИЛ. 3 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (11.296)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

2008 — Ёшлар

йили

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ



Маълумки юртимизда бир неча йилдан буён семимли шайрамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сараланиб, улар орасидан энг муносиблари мазкур мукофотга сазовор бўлмоқдалар. Айтиш жоизки, мамлакатимизда Давлат мукофотига шоира Зулфиянинг номи берилганлиги бежиз эмас. Чунончи, Зулфия жамиятининг барча соҳаларида фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг иходий меҳнати, қувонч ташвишларини жўшиб куйлаган шоира, ўзбек журналистикасига муносиб хисса қўшган публицист, жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари иходий муносиб хисса қўшган мухир таржимон сифатида бундай макомга муносибдир.

Бу йил ҳам шаҳримиз туманларидан ушбу мукофотга номзодларни саралаш бўйича «Зулфияноним қизлари» кўриқ-танлови муваффақиятли ўтказилиб, улар орасидан муносиб деб танланган номзодлар танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш имконига эга бўлишди. Айтиш жоизки, Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртилари, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим

мактабларидан жами 5000 нафарга яқин қизлар иштирок этди. Улар орасидан 1000 нафардан ортиқ иқтидорли қизлар танловнинг туман босқичларида қатнашдилар. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг шаҳар комиссиясига тавсия этилган номзодлар сонини эса 54 нафарни ташкил қилди.

Кунини кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Зулфияноним қизлари» танловининг адабиёт йўналиши бўйича Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг мамлакатимизда аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, овоз ва обод юртимиз келажак бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги бекиёв ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизларни вояга етказиш, улар орасидан иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқболларининг маданий-маънавий кадрларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолият

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИ, БУ ГАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН УЛАРНИНГ ҲАМ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛЛИКЛАРИ ТОБОРА КЕНГ ТУС ОЛАЁТГАНЛИГИ ҲАР БИР ЖАБҲАДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.



ти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилганлигини қайд этиб, танлов иштирокчиларига омадлар тилади.

Танловнинг адабиёт йўналиши бўйича иштирок этган 12 нафар қизлар ҳайъат аъзолари томонидан берилган саволларга мукамал жавоб бердилар, ўз ижод намуналаридан ўқиб, муносиб баҳо олдилар.

— Аввало шунини айтиш жоизки, семимли шайрамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сонини йил сайин ошиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради, албатта, — дейди танлов иштирокчилари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирган ўзбекистонлик хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳайъат аъзоси Қўлибека Раҳимбоева. — Бугунги танлов ҳақида шунини айтмоқчиманки, у Ёшлар йилида ҳар доимидан ҳам ўзгача ўтди. Номзодлар билан юзма-юз ҳолда уларнинг иходий ишлари билан танилишимиз. Савол-жавоблар орқали уларнинг адабиёт, тарих бўйича билимларини баҳолаш имконига эга бўлдик. Барча туманлардан иштирок этган қизларнинг ҳар бирининг чиқишларида, берган жавобларида ўзига хос истеъдод белгилари намоён бўлди. Бири-биридан гўзал, оқила ва доно қизларнинг берган жавоблари ҳалис баҳо бердик. Ал-

батта камчиликлар ҳам йўқ эмас, ўйлайманки, келгусида улар ҳисобга олинади. Мен иштирокчи қизларнинг ҳаммаларини танлов голибларига деб айтгим келади. Уларга фақат омад тилайман.

Танлов сўнгига Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод қизларга ташиқлотчилар томонидан эсдалик совғалари, Фахрий ёрлик ҳамда гулдасталар топширилди.

Ҳамза номидаги мусика коллежида «Зулфияноним қизлари» танловининг санъат ва маданият йўналиши бўйича Тошкент шаҳар босқичи ҳам ўзгача ўтди. Унда 14 нафар қизлар санъат, 11 нафар иштирокчи қизлар эса маданият йўналиши бўйича ўзларининг билим ва маҳоратларини — ўзлари яратган миллийлигимиз аксинга либослар, сахна кўриқлари, мумтоз кўшиқлар, жозибали рақслар орқали намоён этиб, ўзаро беллашдилар. Танлов якунида иштирокчи қизлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари ҳамда Фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Танловнинг фан ва таълим йўналиши бўйича шаҳар босқичи ҳам шу сингари муваффақиятли якунланди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА. Танловдан лавҳалар.
Владимир Гранкин олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАМ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳақончи ялпи мажлиси 2008 йил 4 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган қун тартибининг тасдиқлади.

Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С.Турсуннов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан жорий йилнинг ноябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларида мудатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Фармонда мудатли ҳарбий хизматга йилга бир марта — февраль-март ойларида қақриш белгиланган. Тегишинча фуқароларни туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари ҳузурида ташкил этиладиган қақриш участкаларида қайд этиш ҳам бошқа мудатларга кўчирилди.

Қонун лойиҳасининг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокамаси вақтида барча сиёсий фракциялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар миллий Қуролли Қучлар қурилишининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, мустақил Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишларини бундан буён ҳам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Муҳокама вақтида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборотнинг ошқоралик тамойилларига тўла мос келишини таъминлашга хизмат қиладиган янги расмий веб-саҳифаси тақдими тўқтилди.

• Самарқанд шаҳрида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идораларо комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши жорий йилнинг ўн бир ойлик якунларига бағишланди.

• Сирдарё вилояти ахборот-ресурс марказида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланимларнинг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қатнашган китобсеварлар кўргазмадан ўрин олган янги китоблар билан танишиди, журналистлар ва ноширлар билан мулоқотда бўлишди.

• Жиззахда «Энг яхши ижтимоий соҳа ошпази» кўриқ-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 14 нафар ошпаз танлов шартлари бўйича ўзаро беллашди.

• Нукус шаҳрида шаҳар ҳокимлиги, прокуратура ва Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида 42 та корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари 110 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир якунига кўра 100 нафардан кўпроқ аҳоли муқим иш жойларига эга бўлди.

• Самарқанд кишлок хўжалик институтида ўтказилган илмий-амалий конференция фермер хўжаликлари учун агромуҳандислик хизматларини ривожлантириш истиқболлари мавзусига бағишланди.

• Андижон шаҳрининг «Оқёр» маҳалласида автоуловларга техник хизмат кўрсатиш станцияси қуриб битказилди. 180 миң АҚШ доллар ҳажмидаги илгор технологиялар билан жиҳозланган шохобчада кишлок ёшларидан ўн нафари иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши қароқчиларга қарши кураш юзасидан янги резолюция қабул қилди.

• БМТ Бош Ассамблеяси раиси Мигель д'Эското Брокман БМТнинг инсон ҳуқуқлари химояси бўйича мукофотининг етти нафар совриндорлари номини эълон қилди.

• Брюсселда Россия ҳамда Европа Иттифоқи ўртасида базавий келишув имзоланган музокара бўлиб ўтди.

• Украинанинг «Нафтогаз» компанияси Россиянинг «Газпром» компаниясига газ қарзи бўйича тўловлар муддатини узайтиришни сўраб мурожаат қилди.

• Финляндия пойтахти Хельсинкида янги юк бандаргоҳи — Вурсаари қурилиши якунланди. Унинг узунлиги 32 километрни ташкил этиб, лойиҳани амалга ошириш учун 687,5 миллион евро миқдорда маблағ сарфланган.

• Бразилиянинг Санта-Катарина штатида бир неча кундан буён давом этаётган кучли ёғингарчилик тошқинга сабаб бўлди. Табиий офат оқибатида юздан ортиқ киши ҳалок бўлди, йиғирмага яқин одам бедарак йўқолди.

• Мисрлик археологлар илгари фанга маълум бўлмаган, бундан 4,3 миң йил олдин тикланган эҳромни топди. Ушбу эҳромнинг Тети сулоласида олтинчи фиръавннинг онаси — Сешешетта тегишли эканлиги аниқланди.

• Кеча Сомали қароқчилари АҚШга тегишли бўлган сайёҳлик кемасини ўққа тутдилар.

• Шимолий Американинг йириклиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи «Крайслер» автомобилсозлик компанияси АҚШ конгрессига 7 миллиард доллар ҳажмида федерал ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат этди.

• АҚШнинг Майами шаҳри яқинидаги йирик савдо марказида бўлиб ўтган отишлар чоғида бир киши ҳаётдан кўз юмди, икки киши тан жароҳатларини олди.

• Мамлакат ҳукумати биносини жорий йилнинг август ойи охиридан эгаллаган Таиланд муҳолифати фаоллари бинони аста-секин тарқ этишни бошладилар.

• Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ишлаб чиқарилаётган «қора олтин» миқдорини камайтирмасликка қарор қилди.

Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 9 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим дастуриламал бўлаётган ушбу ҳужжатда автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарларо ва халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Илгари жисмоний шахсларнинг хизмат кўрсатуви автотранспортни ўз вақтида техник, ҳайдовчилар табиий кўриқдан ўтказилмаганлиги сабабли кўплай муаммолар келиб чиқар эди. Натияжада бундай шахслар билиб-билмай, аввало ўзларининг, йўловчилар ва йўл ҳарақатининг бошқа иштирокчилари ҳаётини

Қисқа сатрларда

• **ТОШКЕНТ** Банк коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Оғу гирдобига тушган ёшлар» деб номланди.

• **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар иштирокида «Гиевандлик ва соғлом турмуш тарзи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

• **ЎТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида олий ўқув юртилари талабалари иштирокида «Ёшлар — ОИТСга қарши» мавзусида уюштирилган шоу-тренинг Бутунжаҳон ОИТС га қарши кураш ку-

нига бағишланди.

• **ЎТГАН** куни Тошкент Маданият коллежида «Гиевандликнинг салбий оқибатлари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

• **ШАҲРИМИЗДА** эркаклар ўртасида баскетбол бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунланди.

• **МИРОБОД** туманидаги 4-ақшурлик мажмуаси жамоаси тақлифига бинона Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан миллий кадрларнинг асраб-авайлаб, бойитиб бориш масалаларига бағишланган давра суҳбати

ташқил этилди. Шундай мавзудаги тадбир Учтепа тумани табиёт бирлашмаси жамоаси иштирокида ҳам ўтказилди.

• **БУГҲН** Ҳамза туманидаги кўзи оқизлар мактаб-интернатда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган хайри тадбири ва концерт дастури «Биз — Мустақил юрт шунқорлари» деб номланди.

• **БУГҲН** Миробод туманидаги Гафур Фулом номи маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида устоз санъаткор Қаҳрамон Бугаев билан ёшларнинг урчашуви уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

(Давоми 2-бетда).

АБУ РАЙХОН БЕРУНИНОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ МУТАХАССИСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲАММАТИНИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ОЛИЙ ҲАММАТИНИ ҚУРЛАРИ ЧЕТ ТИЛИ ҲАММАТИНИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ҲАММАТИНИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Анжуманинг ялли мажлиси ТошДУ Илмий ишлар бўйича проректори профессор К.Норкулова, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг университетлар ҳамкорлиги бўйича ходими Пьер Ферре, В.Гюго номидаги француз маданияти маркази вакили Ю.Мрачковская, ТошДУ чет тиллар кафедраси мудири Х.Алимова ва бошқаларнинг чиқишлари билан бошланди.

Рефератив журналлар, экспресс-ахборотлар билан ишлаш», «Илмий-техникавий таржима назарияси ва амалиёти», «Чет тилидаги ахборотни мутолаа қилиш ва қўллаш йўллари», «Тил ўргатиш методикасида янги педагогик технологияларнинг ўрни ва роли» каби йўналишлар бўйича шўьбалар фаолият кўрсатди.

Тон Миллий университети доценти М.Қосимова томонидан намойиш этилган инглиз, немис ва француз тилларида яратилган, оғзаки нутқ кўникмаларини ўстиришга мўлжалланган электрон қўланма қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Маҳаллаларда

АЁЛЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ИСТИҚОЛТ ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШ, МИЛЛИЙ МАФҚУРАМИЗНИНГ ТУБ МОХИЯТИНИ ТАРФИЙ-ТАШВИҚ ЭТИШ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАММАТИНИ ҲАММАТИНИ МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҚўЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Хусусан, Юнусобод туманидаги «Чочтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган йиғилишда масаланинг айни шу жиҳатига эътибор қаратилди.

қолаверса, маҳаллада хотин-қизларнинг ўрни, мавқеи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бугунги тадбиримизда маҳалламизнинг олтинчи нафар фаол аёллари иштирок этмоқда, — дейди «Чочтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъульчиси Зухра Мустақимова биз билан сўхбатда.

Тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойбек Ҳакимов кириш сўзи билан очар экан, мустақиллик туфайли хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган юмушларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Айтиш жоизки, маҳаллада оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ижтимоий кўмакка муҳтож оила вакиллари рағбатлантириш борасидаги ишлар ҳам йўлга қўйилган.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Тумандаги камҳарж, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, ногирон болалар, Чернобил фожеаси ва афғон уруши қатнашчиларидан иборат 500 дан ортқ аҳоли қамраб олинган ушбу тад-

бирни туман ҳоқими Мутталиб Абдуллаев очар экан, барчани кириб келаётган қатор байрамлар билан мурабақобд этди, соғлиқ-саломатлик тилади.

кўрсатилаётган гамҳўрлик ва эътибор мана шу эзгу ниятларимиз ифодаси албатта.

Тумандаги камҳарж, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, ногирон болалар, Чернобил фожеаси ва афғон уруши қатнашчиларидан иборат 500 дан ортқ аҳоли қамраб олинган ушбу тад-

бирни туман ҳоқими Мутталиб Абдуллаев очар экан, барчани кириб келаётган қатор байрамлар билан мурабақобд этди, соғлиқ-саломатлик тилади.

кўрсатилаётган гамҳўрлик ва эътибор мана шу эзгу ниятларимиз ифодаси албатта.

2008 — Ёшлар йили СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ, ШУНИНГДЕК, АСР ВАБОСИГА АЙЛАНГАН ГИЁВАНДЛИК, ОИТС СИНГАРИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА САЛОМАТЛИК ВА ТИББИЙ СТАТИСТИКА ИНСТИТУТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОЛИЙ ВА ҲАММАТИНИ МАХСУС ҲАММАТИНИ ЮРТЛАРИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, АНЖУМАНЛАР, ДАВРА СўХБАТЛАРИ ҲАММАТИНИ КЕЛИНМОҚДА.

Мана шундай давра сўхбатларидан бири яқинда Тошкент Кимё технологиялари институтида бўлиб ўтди. Тадбирни Саломатлик ва тиббий статистика институти шифокори Н.Аҳмедова олиб борди.

Одам савдосига қарши кураш бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланди, — дейди ҳуқуқшунос Ф.Раҳмонқуллов.

Баҳс-мунозара ва савол-жавоблар доирасида ўтган маъруза тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди. Таалабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавоб олдилар.

Гулором ҲАМИДОВА

УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОШДАН

Ҳамжихатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, қўни-қўшничиликда гап кўп экан. Лекин бу ҳоли-ҳаётда бу сўзларнинг маъини кўпда чақавермаймиз. «Табии табиб» эмас, бошидан ўтган табиб» деганларидек, қачонки бошимизга бирор мушкул тушиб одамлар ёрдамига муҳтож бўлиб қолганимизда бу сўзлар доғишмандлар томонидан нақадар зийрраклик билан айтилганига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Яқинда маҳалламиздаги бадавлат, баобру хонадонлардан бирида ёнгин содир бўлганида яқин атрофдаги қўни-қўшиллар, таниш-билиш инсонларнинг бирдам, ҳамжихатлик билан ўт-оловни ўчиришга қарши

бахоли кудрат ёрдам кўрсатиш. Иморат усталари ҳам маҳалланинг ўзидан топилди. Майли-да биров озроқ пул билан, кимдир қурилиш материалларини олиб бериш билан хонадонга ёрдам кўрсатишга ваъда бердик.

Икки ҳафта давом этган ҳашардан сўнг иморат тамоман тикланиб, оила аъзолари хоналарга қўчиб киришди.

кўрсатган саъй-ҳаракатларини кўриб бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Хонадон эгаси Турғунбой ака маҳалламизга янги кўчиб келганиданми, ёки манмансирабими, ҳар қалай яқин-атрофдагиларга унчалик эътибор бермас, қўни-қўшиллар билан борди-келди қилмас, ҳатто тўй-туркунларда ҳам қатнашмасди.

Азимжон бу гапни оқизмай-томизмай бизга етказди.

Дўстлик — бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат ҳоқисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.

ХАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

Инсоннинг соғ-саломат юриши кўпинча унинг ўзига боғлиқ. Кам ейиш, кам гапириш, кам ухлаш, кам ишрат қилиш, ўзини ёқимли нарсалар билан муаттар қилиб юриш ва тез-тез ҳаммомга бориш одамнинг доимо соғ-саломат юришига сабаб бўларкан.

Халоллик ҳақида — бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат ҳоқисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.

Дўстлик — бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат ҳоқисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.

Ушбу ҳикमतдан келиб чиқиб: Ҳўзинг еб, ўзгага берсанг, эй инсон, Номинг улуг бўлар, вужудинг омон, деган сўзларни келтирсак, ўринли бўлади, албатта.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

кўрсатган саъй-ҳаракатларини кўриб бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Хонадон эгаси Турғунбой ака маҳалламизга янги кўчиб келганиданми, ёки манмансирабими, ҳар қалай яқин-атрофдагиларга унчалик эътибор бермас, қўни-қўшиллар билан борди-келди қилмас, ҳатто тўй-туркунларда ҳам қатнашмасди.

Халоллик ҳақида — бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат ҳоқисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Дононинг тилидан чиққан сўз гавҳар, Бу гавҳарга кўксинг садаф этсанг соз. Доно ҳикмат дури тўла ҳазина, Бу ҳазинани эт ҳамиша эъзоз.

Илм берибдими, амалга интил, Амалсиз илмнинг қиммати бир пул. Амалингдан кўзла фойда, манфаат, Амал йўлин амалсизларга кўрсат.

Сўзни қабул қилиш фазилатдир, бас, «Қил» ёки «қилма» деб кўп айтиш эмас.

Фазлу адаб билан безатмай ўзин, Иззат-эътиборга тикма ҳеч кўзин. Ботин адаб билан безалган жойда, Зоҳирга беришдан зеб нима фойда?!

Фазлу хунар билан мақтанайдан кеч, Оёғинг учидан кўзинг олма ҳеч.

Эшит панду илминг унга айла ёр, Билиб олдингми, бўл ишга талабгор.

Бўлмаса донода пул, зинҳор гадога менгзама, Дил тўла илми билан у ер юзин сultonидир.

Мансабга ўтирсанг, безат ўзингни Ҳар хил фазлу хунар билан шубҳасиз. Инсон азиз эмас мансаб туфайли, Балки мансаб инсон туфайли азиз.

Нодондек кўп бўлма отага пайванд, Вақт келди — бўл фазлу хунарга фарзанд.

Ким кўп соҳаларда бўлса-да доно, Барча илмларда бўлолмас якто.

Ҳаракат қил билганга кўра, Билмаганинг билгандан сўра.

Агар нодон бўлса доно билан ёр, Илми ортар, умри бўлар маънолик. Агар қилса доно сўхбатидан ор, Ҳаётда кўрмас у бирор рўшнолик.

Жоҳил кўлидаги қиличдан афзал, Оқил учун ақл-идрок ҳар маҳал.

Кун ўтди харобу кўҳна олам гамида, Тун ўтди ҳою ҳавас, кўпу кам гамида. Умр ўтди — ҳар они тенг эди дунёга, Хом фикру таъдла мисли шабнам гамида.

Бу сўфиномга идрокку хушдан беҳабар, Ҳўткинчи хаёл, дер, бу жаҳонни сарбасар. Тўғри, бу жаҳон хаёлдир, аммо унда Боқий ҳақиқат ҳар нафас жилав қилар.

Ҳақдан халққа йўл бордир равшану рост, Халқдан ҳаққа йўлда эса кўп каму кўст. Ҳар кимни у йўлдан етказишса — етди, Ким қолди бу йўлда — бўлди у дунёпараст.

Дунё тарихи катта-кичик қисса, аён, Бўлмиш шоху ботирлар иши унда баён. Ҳар бир варағини ўқи — тақдир қалами Битмиш унга: ўтди фалону кетди фалон.

Қошки билсам — мен ўзи қандай инсон? Дунёда нима деб бу қадар саргардон? Ёр бўлса агар бахт — яшасам хушхандон, Ёр бўлмаса, йиғласам тушиб беармон.

Маъно тутади даъвоини душман — қочади, Ким кўрса қароқчини, у, зотан қочади. Даъво кирса қаерда уй эшигидан, Маъно ошиқиб, бирор тешиқдан қочади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ 2008

Йўналишлар:

1. Биринчи йўналиш - халқ таълими педагоглари (умумтаълим мактаблари);
2. Иккинчи йўналиш - ўрта-махсус ва олий ўқув юртли ўқитувчилари (академик лицейлар, коллеж, олий ўқув юртли);
3. Учинчи йўналиш - илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, тадқиқотчилар, докторантлар) ва олий педагогик таркиб вакиллари (кафедра мудирилари, деканлар, проректорлар).

Иштирокчилар:

Танловда олий маълумотга ва 3 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга мактаб ўқитувчилари; олий маълумотга эга ва 5 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртли ўқитувчилари; 5 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга илмий тадқиқотчилар ва юқори педагогик таркиб вакиллари қатнашишлари мумкин.

Танловда индивидуал ҳолатда (жамоавий аризалар қабул қилинмайди) кўрсатилган йўналишларнинг бири бўйича иштирок этиш мумкин.

Хужжатлар 1 ЯНВАРГАЧА қабул қилинади!

Танловда иштирок этиш учун куйидаги хужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Рангли суратли иштирокчи анкетаси;
2. Паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган ҳолда);
3. Олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
4. Ходимлар бўлими муҳри туширилган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Лойиҳа;
6. Лойиҳа бюджети;
7. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси;
8. Илмий тадқиқотчилар эълон қилинган мақолалари рўхатини илова қилишлари лозим.

Ҳакамлар хужжатларни ёпиқ мажлисда кўриб чиққаннан сўнг қарор чиқаради. Ҳакамлар қарори муҳокама қилинмайди. Танлов натижалари ҳақида фақат голибларга маълум қилинади.

МАҚСАД:

Педагогик грантлар дастурининг мақсади таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукамаллаштириш, ижодий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, ойлик ва бир маротабалик тақдирлаш орқали халқ таълими педагоглари, ўрта махсус ва олий ўқув юртли ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хужжатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига юборилади.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси
Тел.: (998 71) 239 2932, 239 2933
Тел./Факс: (998 71) 239 2771
http://www.fundforum.uz
e-mail: info@fundforum.uz

Вилоятда яшовчи номзодлар хужжатларини «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлинмаларига топширишлари мумкин.

Вилоятдаги телефонлар:

Қорақалпоғистон Р-си	(8361) 770-69-23
Андижон вилояти	(8374) 298-19-17
Бухоро вилояти	(8365) 770-09-20
Жиззах вилояти	(8372) 771-69-13
Қашқадарё вилояти	(8375) 771-19-18
Навоий вилояти	(8436) 770-29-21
Наманган вилояти	(8369) 223-09-16
Самарқанд вилояти	(8366) 210-19-14
Сирдарё вилояти	(8367) 221-09-12
Сурхондарё вилояти	(8376) 770-89-19
Тошкент вилояти	(8373) 150-69-10
Фарғона вилояти	(8373) 229-79-15
Хоразм вилояти	(8362) 770-49-22

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Олдини олган Афзал

НОХУШЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОҚИБАТИНИ ЎРГАНГАНДАН КўРА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛКИ, ШУ БИЛАН ҚАНЧА-ҚАНЧА КўНГИЛСИЗЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ. ХУДДИ ШУНИНГДЕК, ЁНГИН СОДИР БўЛГАНИДАН Кейин АФСУСЛАНМАЙ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚМАСЛИГИ ҲАҚИДА ОЛДИНДАН ЧОРА КўРИШ ЯХШИ САМАРА БЕРИШИ ҲАММАМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМ.

—Кўпинча ёнғин ходисалари одамларнинг бепаро ва лоқайдликлари оқибатида содир бўлади, — дейди «Тошкентшаҳаргаз» филиали бош муҳандиси Миржалол Зуфаров биз билан суҳбатда. Барчамизга маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги «Халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жорий йил 6 ноябрдаги қарорига асосан 10 ноябрдан 10 декабрда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Албатта, ушбу муҳим тадбир жамоамиз ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки кўпинча жойларда келиб чиққан ёнғин ходисалари газдан нотўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, газ асбобларининг носозлигига безъатлик бўлиши, ёш болаларнинг газ асбоблари олдида қаровсиз қолдириш оқибатида содир бўлади.

Ушбу ойликда филиалимиз жамоаси белгиланган чора-тадбирлар асосида иш юритмоқда. Тасарруфимиздаги барча тумангаз хизматлари ходимлари томонидан шу кунгача бир қанча ишлар амалга оширилди. Малякали ходимларимиз 1216 та хусусий хонадонларда бўлиб, шундан 11 та хонадонда газдан нотўғри фойдаланишлар аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Пойтахтимиздаги корхона, ташкилот, муассаса ва маҳалларда ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ҳам-

корликда ўтказилаётган тадбир, учрашу ҳамда мулоқотларда ойликнинг аҳамияти, газдан тўғри фойдаланиш қоидалари ҳақида истеъмолчиларга тушунтириш ишлари олиб борилди, саволларга батафсил жавоблар қайтарилмоқда. Хозиргача 60 га яқин маҳаллада ана шундай учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтди. Ишонимизки, бундай юзма-юз учрашулар ноҳус ходисаларнинг олдини олишда ўз самарасини беради.

—Тадбир давомида аниқланган ўзбошимчалар, яъни газдан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ва уларнинг салбий оқибатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

—Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, хозирги вақтда айрим хонадон эгалари ва хусусий тадбиркорларнинг ўзбошимчалик билан газ асбобларини тармоққа улаш ҳамда ўз ўрнидан бошқа жойларга кўчириш ҳолатлари кўп учрамоқда. Хусусий хонадон эгалари тегишли рухсат олмастан, ўзбошимчалик билан тандир, ўчоқ ва бошқа газ асбобларига газ уламоқдалар. Иссиқхоналарни иситиш учун табиий газдан фойдаланишга фақатгина рухсатномаси бор истеъмолчиларга рухсат берилди. Агарда юқорида кўрсатилган ҳолатлар аниқланса, ўзбошимчалик билан газ уланган хонадонлар ва хусусий тадбиркорларга газ берилиши умуман тўхтатилади. Бундай қонунбузар истеъмолчилар амалдаги қонунчилик асосида жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, кўп қаватли уйларда газ плитасини ошхонадан айвонга кўчирилиши ҳолатлари кўп учрамоқдаки, бундай ҳолатларда айрим хонадон эгалари резина ичаклардан фойдаланишмоқда. Газ таъсирида резина ичаклар ёрилиб, бу бахтсиз ходисалар, ёнғин ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам газ асбобларини газ тармоғига улаш, бошқа жойга кўчириш тақиқланади. Газ асбобларини қўшимча ўрнатиш лозим топилса, истеъмолчилар, албатта жойлардаги тумангаз идораларига мурожаат қилишлари керак ва бу ердаги малакали мутахассислар уларга ёрдам ва маслаҳат беради.

—Шу ўринда ноҳус ходисаларнинг олдини олиш учун газдан фойдаланувчилар нималарга асосий эътибор қаратишни яна бир бор эслатиб ўтсангиз.

—Авалло эслатиб ўтамиз, табиий ва сунъитрилган газларнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш хусусиятига эга бўлиб, шунинг учун газ сизиб чиқишининг олдини олиш ҳар қандай кўнглисиз воқеанинг олдини олиш демекдир. Фурсатдан фойдаланиб ҳамшахарларимизга газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини яна бир бор эслатишни лозим топдик. Албатта, газ асбобларини назоратсиз қолдириш, ёш болалар ва газдан хавфсиз фойдаланиш йўриқномаси билан таниш бўлмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишларига рухсат берманг, газ плиталарининг бекорга ишлаб туришига йўл қўйманг, носоз дубуронли газ асбобларидан фойдаланманг, бундай носозликларни мутахассис ёрдами билан бартараф этинг.

Мабодо уйингизда, кўчада, ертўла ва ер ости қудуқларида газ ҳидини сезиб қолсангиз, тезда тумангаз бўлимига ёки марказий авария-диспетчерлик хизматига хабар беринг. Ҳар бировимизнинг эътиборлигимиз ва инсонийлик бурчимиз ҳаётимизни хавф-хатардан асрашни унутмайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА

Бокс

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

ОЗАРБЕЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ҲАРБИЙЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БОКУГА ЖўНАБ КЕТИШДИ.

Жаҳон чемпионатида совринли ўринлардан бирига даъвогар саналаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафида Шаҳриёр Исоков, Рафижон Султонов, Тўлашбой Дониёров, Абдуғафур Умаров, Баҳодир Мамажонов, Улугбек Холмуродов, Бехзод Юнусов, Аҳrorбек Курбонов, Шерзод Абдурахмонов, Элёр Фулов, Сардор Абдуллаев сингари тажрибали чарм кўлқоп усталарининг борлиги маъмур нуфузли турнир ҳамюртларимиз учун омодли яқунланади деб умид қилишга асос бўлади.

Биз кўп миңг сонли мухлислар номидан боксчиларимизга муваффақият ёр бўлсин деймиз.

(Ўз муҳбиримиз)

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда бўлиб ўтадиган

очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2009 йил 6 январ куні соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига суд ижрозчилари бўлими томонидан куйидаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар куйилмоқда:
1. Шайхонтоҳур тумани суд ижрозчилари бўлими томонидан, ЖИБ Чилонзор туман судининг 26.06.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани «Инвест» жарима майдончасида сақланаётган, «Тико» русумли, д/р А900С/М бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.
2. Чилонзор тумани суд ижрозчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 02.05.2008 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, М.Улугбек тумани Цилковский кўчаси, 227-уйда сақланаётган: «Митсубиси Галант» русумли, д/р 30L9735 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 152 300 сўм. — «Рено Канго» русумли, д/р 11Т1018 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 568 300 сўм.
3. Юнусобод

тумани суд ижрозчилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомобиллар сақлаш майдончасида сақланаётган куйидаги; 1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 22.04.2008 йилдаги ЖСК-1-122/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 11У7888 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 440 036 сўм.
2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 08.08.2008 йилдаги 2-117-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 30Х2290 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 909 164 сўм.
4. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 03.07.2008 йилдаги 10-0816/5080-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани Проектная кўчаси Г-30-уй манзилида жойлашган, «ВОТЕКС» МЧЖга тегишли, умумий майдони 21379 кв.м бўлган, қурилиши тугалланмаган куйидаги; 1) омборхона биноси БЛОК-А, майдони 1334,0 кв.м., 2) омборхона биноси БЛОК-Б, майдони 1437,0

кв.м., 3) маъмурий бино БЛОК-В, 317,0 кв.м., 4) омборхона биноси БЛОК-Г, майдони 1,111 кв.м., бўлган бир қаватдан иборат бинолар мажмуаси куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.

Маъмур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тўзилгандалар закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат тулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Рахимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105, Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Ураббоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2008 йил 21 ноябрдаги ажримига асосан қуйидаги корхонани банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан кузатув жараёни бошланди:

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ОКПО	Ҳўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши куйидаги кунда ва соатда кўрилади
I	RAXDAV QURILISH	МЧЖ	300605582	31.10.07 002845-03	22103953	10-0809/15063	С.Абдурахимов	05.12.08 17.15

Кредиторларнинг йиғилиши 2008 йил 04 декабрда соат 11-00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.

Банкротлик иши 2008 йил 05 декабрда, соат 17-15 да, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23а-уй 603-хонада сайёр суд тарикасида Миробод тумани ДСИ биносида (судья М.П.Каландарова томонидан) кўрилади.

Ташкилот сафорра, ясень, ива, террак каби манзарали; можжевелник, крим қайрағочи каби игнабаргли ҳамда мевали дарактлар кўчатларини сотади.
Т. 292-97-62.

Ташкилот сорго (хўжалик) супургиларини сотади. Нархи келишувга кўра, ҳар хил шаклда ҳақ тўланиши мумкин.
Т: 292-97-62.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Мабуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3257 нусхада босилади.
Қоғоз биринчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханоси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6